

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИНОМОВА МУНИРА МУРОТЖОН ҚИЗИ

**ЁПИҚ ИЛДИЗ ТИЗИМИДА ПАЙВАНДЛАНГАН ХАНДОН ПИСТА
(*PISTACIA VERA L.*) КЎЧАТЛАРИНИ ЖАДАЛ ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо
этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Иномова Мунира Муротжон кизи

Ёпик илдиз тизимида пайвандланган хандон pista (*Pistacia vera* L.)

кўчатларини жадал етиштириш технологияси.....3

Иномова Мунира Муротжон кизи

Технология интенсивного выращивания саженцев фисташки (*Pistacia vera* L.)

привитой с закрытой корневой системой.....21

Inomova Munira Murotjon qizi

Technology of intensive cultivation of pistachio seedlings (*Pistacia vera* L.) grafted

into a closed root system.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИНОМОВА МУНИРА МУРОТЖОН ҚИЗИ

ЁПИҚ ИЛДИЗ ТИЗИМИДА ПАЙВАНДЛАНГАН ХАНДОН ПИСТА
(*PISTACIA VERA L.*) КЎЧАТЛАРИНИ ЖАДАЛ ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ

06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шахарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромелиорацияси ва химоя ўрмонларини барпо
этиш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ-2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Qx596 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий рахбар: **Хамзаев Абдушуккур Худойкулович**
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: **Тўхтаев Бобоқул Ёрқулович**
биология фанлари доктори, профессор;
Тўлаев Дониёр Бахтиёрвич
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: **Ўрмон хўжалиги агентлиги**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024-йил 30 октябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай tumani, Университет кўчаси 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00) факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. (Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 551889 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс биноси. Тел: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 18 октябрь куни тарқатилди.
(2024-йил 25 сентябрдаги 32-рақамли реестр баённомаси)



Ш.И. Асатов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуродов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

С.А. Юнусов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Хандон писта махсулоти дунёнинг кўплаб мамлакатларида қимматбаҳо ва иқтисодий жиҳатдан даромадли махсулот ҳисобланади. Дунё бўйича хандон писта етиштириш охириги 50 йил ичида кескин ошди. “Статистик маълумотларга кўра, 1970 йилда дунё мамлакатларида 50 минг тонна, 2000 йилда 500 минг тонна, 2020 йилда 1 млн. тонна, 2022 йилда эса 1 млн. 27 минг тонна писта ҳосили етиштирилган”¹. Хандон писта глобал озиқ-овқат саноатида жуда қимматли ёнғоқ тури ҳисобланади. Унинг оқсил, углевод ва ёғлар билан бойлиги соғлом овқатланиш қоидаларига мослаштиради. Кўплаб мамлакатларда соғлом овқатланишга талаб ўсиб бораётганлиги сабабли, писта махсулотларига бўлган глобал талаб ҳам ошмоқда. Писта турли таомлар, ширинликлар, ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат махсулотларида кенг қўлланилади, бу эса уни ўсиб бораётган озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Дунёнинг кўплаб давлатлари, жумладан АҚШ, Италия, Эрон, Испания, Туркия, Сурия, Ўрта Ер денгизи ва Шимолий Африка мамлакатларида хандон писта плантациялари кўплаб барпо этилмоқда. Бугунги кунга келиб “Эронда 498 минг га, Туркияда 409 минг га, АҚШ да 173 минг га, Сурияда 61 минг га, Тунисда 27 минг га, Хитойда 26,5 минг га, Мадагаскарда 17 минг га хандон писта плантациялари мавжуд бўлиб”², ушбу майдонларни кенгайтириш учун писта кўчатларини етиштириш технологиясини соддалаштириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бугунги кунда республикамызда ҳам ўрмон хўжалиги соҳасида айниқса ёнғоқмевали дарахт ва бута турларини кўпайтириш, ҳосилдорлигини ошириш ҳамда янги навларини яратиш, уларнинг маданий плантацияларини ташкил қилиш бўйича кенг қўламли ислохатлар амалга оширилиб, маълум натижаларга эришилган. Шунингдек, тоғ ва тоғолди лалми ҳудудларда хандон писта плантацияларини барпо этишда пайвандланган тайёр кўчатлардан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш”³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу ўринда хандон пистанинг юқори махсулдор саноат плантацияларини барпо этиш ва экспорт салоҳиятини янада оширишда контейнерда пайвандланган кўчатларини етиштириши технологиясини ишлаб чиқиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850–сон “Ўзбекистон Республикасида Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги

¹ <https://www.fao.org/faostat/ru/#faq>

² <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

³ Ўзбекистон Республикасини президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

қарори, 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича таркибий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ижросини таъминлашда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устивор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёпиқ илдииз тизимида кўчат етиштириш бўйича дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан Беларуссияда Н.К. Крук, В.В. Носников, Н.И. Якимов, А.М. Граник, Россияда Н.А. Горбачева, А.В. Жигунов, С.А. Родин, С.В. Бобушкина, Д.И. Мухторов, Қозоғистонда Д.Ю. Сирман каби олимлар бир қатор илмий изланишлар олиб боришган.

Шунингдек, хандон писта селекцияси, унинг кўчатларини етиштириш ва саноат плантациялари барпо этиш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича Туркияда Н.С. Atli, S. Arpacı, В.Е. Aka, I. Acar, Эронда А. Talaie, Сурияда А. Hadj-Hassan, АҚШда L. Ferguson, J.A. Martin, E. Herrera, С.Е. Kallsen, Азарбайжонда Д.Ш. Мамедов, Тожикистонда З.Н. Холов, М.Г. Рафиева, Қирғизистонда С.К. Кенжабоев каби олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида тупроқ эрозиясини олдини олиш учун маданий писта ўрмонларини барпо этиш юзасидан илк маротаба С.Ю. Раунер ва Н.И. Королковлар тадқиқот олиб боришган ва кейинчалик эса И.К. Троско, С.М. Аблаев Ў.С. Олехнович, Г.М. Чернова ва Л.В. Николаилар томонидан кенг кўламли изланишлар олиб борилиб, илмий асослари ишлаб чиқилган. Бугунги кунда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари ҳамда Б.И. Эшанкулов, М.З. Холмуротовлар томонидан хандон писта селекцияси ва плантацияларини барпо этиш бўйича илмий изланишлар давом еттирилиб, муҳим натижаларга эришилмоқда. Лекин, ёпиқ илдииз тизимида пайвандланган хандон писта кўчатларини етиштириш ҳамда улар асосида тоғ ва тоғолди ҳудудларида маданий плантациялар барпо этиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот ишлари Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида олиб борилган №КХА-А-КХ-2018-114-рақамли «Контейнерларда пайвандланган хандон писта кўчатларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойихаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади хандон писта ниҳолларини ёпиқ илдииз тизимли контейнерларда уруғидан экиб етиштириш ва мақбул пайвандлаш усулларини қўллаш орқали навли писта плантациялари учун жадал кўчат етиштириш

технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат: хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш ва унувчанлигини баҳолаш;

контейнерларда етиштирилган писта ниҳолларининг кўкарувчанлиги ва ўсишига тупроқ субстратларининг таъсирини аниқлаш;

контейнерларда етиштирилган писта ниҳолларининг илдиз тизимини ривожланишига корневин стимуляторининг таъсирини аниқлаш;

минерал ўғитларнинг хандон писта ниҳолларининг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш ва мақбул меъёрларини аниқлаш;

писта ниҳолларини жадал ўстириш учун суғориш меъёрлари ва муддатларини аниқлаш;

контейнерларда етиштирилган писта кўчатларини пайвандлашнинг мақбул усуллари ва муддатларини аниқлаш;

ёпиқ илдиз тизимида пайвандланган хандон писта кўчатларининг иктисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти: хандон писта уруғлари, ёпиқ илдиз тизимида етиштирилган кўчатлар ҳамда пайвандлаш учун новда ва қаламчалар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети: полиэтилен ҳалтачалар ўлчами, тупроқ субстратлари таркиби, ўстирувчи стимуляторлар меъёри, уруғ дорилаш учун препаратлар меъёри, минерал ўғитлар меъёрлари, суғориш миқдори кабилар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш бўйича тадқиқотлар С.М. Аблаевнинг (1977) услуги асосида, ёпиқ илдиз тизимли полиэтилен ҳалтачаларда хандон пистанинг ниҳолларини етиштириш юзасидан тадқиқотларда Г.М.Чернова ва Л.В.Николяи (2011) ҳамда Б.И.Эшанкуловларни (2018) илмий изланишлари хулосаларидан фойдаланилган, тупроқ ва ўсимлик намуналарининг агрокимёвий таҳлиллари Е.В.Анишкинанинг “Руководство по химическому анализу почв” ва “Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель” қўлланмасида кўрсатилган услублар асосида, олинган тадқиқот натижаларига математик-статистик ишлов бериш Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) ва Й.Н. Зайцевнинг “Методика биометрических расчётов” (1973) услублари ҳамда “Statistik-7” дастурида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор хандон писта уруғларини экишга тайёрлашда йирик ҳажмли (Боботоғ нави) уруғлардан фойдаланиш ва Виговакс-200 ФФ уруғ дорилагичида ивитиш уларнинг унувчанлигини 86-87% га ошириши аниқланган;

контейнерларда хандон писта ниҳолларини етиштириш учун 80% тупроқ ва 20% кокосли торф аралашмасидан фойдаланиш ниҳолларнинг баландлигини 1,3 баробарга ва тана диаметрини 1,4 баробарга ошириши аниқланган;

контейнерларда етиштирилган писта ниҳолларига корневин стимулятори эритмасини 0,1% меъёрида қўллаш илдиз тизимининг ривожланишини 1,6 баробарга, ер устки қисмлари биомассасини 1,4 баробарга ошириши аниқланган;

контейнерларда хандон писта ниҳолларини жадал етиштиришда минерал ўғитларни қўллашнинг мақбул меъёри $N_{90}P_{60}K_{30}$ аниқланиб, ниҳолларнинг ўсиши 1,4 баробарга оширилган ва бир йилда пайвандланган писта кўчатларини етиштириш мумкинлиги исботланган;

контейнерларда хандон писта ниҳолларини жадал етиштириш учун томчилатиб суғориш орқали тупроқ намлигини ЧДНС га нисбатан 50-55% да сақлаб туриш ниҳолларнинг ўсишини 1,0-1,2 баробарга ошириши аниқланган;

писта ниҳолларини пайвандлашнинг энг мақбул муддати июл ойининг 1-ўн кунлиги эканлиги ва пайвандларнинг тутиб қолиш даражаси 73% бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

республикамизнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ёпик илдиз тизимли контейнерларда писта кўчатларни жадал етиштириш технологияси ишлаб чиқилиб, жорий этилган;

тадқиқот натижалари асосида “Контейнерларда пайвандланган хандон писта кўчатларини интенсив етиштириш” номли тавсиянома, ишлаб чиқилган;

ёпик илдиз тизимида пайвандланган хандон писта кўчатларини жадал етиштириш орқали иқтисодий самарадорлик 150% га оширилган;

ёпик илдиз тизимида пайвандланган хандон писта кўчатларини жадал етиштириш технологияси бўйича ҳисоб-технологик карта ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Дала тажрибалари ҳар йили Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва Инновацион ривожланиш агентлигининг апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий тадқиқотлар тўғрисида олинган маълумотлар ҳисоботлар шаклида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Илмий Кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий баҳоланганлиги, олинган маълумотлар математик-статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти писта уруғларининг унувчанлигига Витовакс-200 ФФ уруғ дорилагичи ва ниҳоллар илдиз тизимининг ривожланишига корневин стимуляторининг мақбул меъёри ҳамда ниҳолларни пайванд қилиш муддатлари назарий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрмон хўжаликларида навли писта кўчатларини етиштириш учун 80% тупроқ ва 20% кокосли торфдан

иборат тупрок субстрати, минерал ўғитларнинг $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га меъёри, тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан 50-55% да бўлиши ва энг мақбул пайвандлаш муддати июл ойининг I-декадасига тўғри келиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёпиқ илдиз тизимида пайвандланган хандон pista (*Pistacia vera* L.) кўчатларини жадал етиштириш технологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

пайвандланган хандон pista (*Pistacia vera* L.) кўчатларини етиштириш технологияси ишланмаси Тошкент вилояти Бурчмулло давлат ўрмон хўжалигининг Оқтош айланмаси бўлими ҳудудида 1,0 га ва Навоий вилояти Нурота давлат ўрмон хўжалигида 10,0 га майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 15 январдаги 03-03/3-396-сон маълумотномаси). Натижада 4-5 йилдан бошлаб 12,5 млн сўм/га даромад олишга эришилган.

хандон pista (*Pistacia vera* L.) кўчатларини жадал етиштириш ишланмаси Сурхондарё вилояти Боботоғ давлат ўрмон хўжалигида 10,0 га, Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ҳудудидаги Пистачилик илмий-тажриба станциясида 5,0 га майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг 2024 йил 15 январдаги 03-03/3-396-сон маълумотномаси). Натижада навли pista плантациясидан 13,5 млн сўм/га даромад олишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурияти асосланиб, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгиллиги ва амалий натижалари, ишлаб чиқаришга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ёпиқ илдиз тизимида кўчат етиштиришнинг

илмий асослари (адабиётлар шарҳи)” деб номланган биринчи боби уч қисмга ажратилган бўлиб, бу қисмларда мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилган. Дунё мамлакатларида ёпик илдиз тизимида кўчат етиштиришнинг ахамияти, хандон пистанинг дендрологик таснифи ва хусусиятлари, кўчатларни етиштириш технологияси ҳамда писта кўчатларини пайванд қилишнинг назарий асослари бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари» деб номланган иккинчи бобида қутилган натижага эришиш учун бажарилиши лозим бўлган тадқиқот ишларининг дастури ва услуби баён этилган. Тадқиқот дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда дала ва лаборатория тажрибалари олиб борилди. Дала тажриба ишлари Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти “Дархон” илмий-тажриба станцияси майдонида бажарилди.

Тадқиқотни олиб боришда Тошкент вилоятининг географик жойлашган ўрни, рельефи ва гидрогеологик шароитлари аниқланди. Жойнинг иклими Гидрометеорология хизмати агентлигининг “Тошкент” метеостанцияси маълумотлари асосида ўрганилди ва таҳлил қилинди. Лаборатория тажрибалари эса Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳамда Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг “Тупроқшунослик ва агрокимё” лабораторияларида олиб борилди.

Тупроқнинг кимёвий таҳлили Е.В.Аринушкинанинг «Руководство по химическому анализу почв» ҳамда «Руководство к проведению химических и агрофизических анализов почв при мониторинге земель» қўлланмаларида кўрсатилган услублар асосида аниқланди.

Писта уруғларни экишга тайёрлаш ишлари С.М.Аблаев [1977 й.] услуби асосида, писта ниҳолларини ёпик илдиз тизимида етиштириш ишлари Й.М.Чернова ва Л.В.Николяя [2011 й] илмий изланишлари асосида бажарилди.

Ёпик илдиз тизимида етиштирилган писта кўчатларининг баландлиги (Н) ва диаметри (d) Й.Н. Зайцевнинг “Методика биометрических расчетов” [1973] ва Б.А. Доспеховнинг “Методика полевого опыта” [1985] услублари бўйича аниқланди. Олинган тадқиқот натижаларига “Statistik-7” дастури ва Б.А. Доспехов [1985] ва Й.Н. Зайцевнинг [1973] услублари асосида математик-статистик ишлов берилди.

Диссертациянинг «Ёпик илдиз тизимида хандон писта ниҳолларини жадал етиштириш технологияси» деб номланган учинчи бобида хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш ва унувчанлигини оширишда уруғ дорилагичларнинг таъсири, ёпик илдиз тизимида етиштирилган писта ниҳолларининг ўсиши ва кўкарувчанлигига тупроқ субстратининг таъсири ҳамда ниҳолларнинг илдиз тизими ривожланишига корневин стимуляторининг таъсири келтириб ўтилган.

Хандон писта уруғларини экишга тайёрлаш ва унувчанлигини баҳолаш юзасидан Витовакс-200 ФФ, Топсин-М (70% н.кук) ва Фитолавин

(с.э.к. 120000 ЕА/мг) уруғ дорилагичлар билан ишлов берилди ва лаборатория ҳамда дала шароитларида унувчанлиги ўрганилди.

1-жадвал

Уруғ дорилагичлар ёрдамида уруғларнинг контейнерлардан униб чиқиши ва сақланиб қолишига таъсири (Дала шаротида 2019-2020 йй.)

Вариантлар	Экилган уруғлар сони, дона	Униб чиққан ниҳоллар сони, дона	Униб чиқмаган уруғлар сони, дона	Нобуд бўлган ниҳоллар	Ниҳоллар сақланиб қолиши, %
Назорат (оддий сувда ивитиш)	100	61	39	3	58
Витовакс-200 ФФ (75% н.кук)	100	87	14	1	86
Топсин-М (70% н.кук)	100	65	35	3	62
Фитолавин (с.э.к. 120000 ЕА/мг)	100	70	30	1	69

Хандон писта уруғлари нишлатиб контейнерларга уруғларга экилди, уруғларнинг 10-14 кундан сўнг униб чиқиши кузатилди. Тажрибада назорат вариантыда нишлаган уруғлардан ниҳоллар униб чиқиш даражаси 61% (61 дона) бўлиб, Витовакс-200 ФФ уруғ дорилагич билан ишлов берилган уруғлар 87% (70% н.кук) (87 дона) унувчанликга эга бўлиши кузатилди.

Бошқа вариантларда бир мунча пастроқ яъни Топсин-М (70% н.кук) 65% (65 дона) ва Фитолавин (с.э.к. 120000 ЕА/мг) 70% (70 дона) униб чиққан ниҳолларга эришилди. Вегетация даври давомида назорат вариантыда 3 дона ниҳоллар, Витовакс-200 ФФ уруғ дорилагичи билан ишлов берилган вариантыда 1 дона, Топсин-М (70% н.кук) вариантыда 3 дона, Фитолавин (с.э.к. 120000 ЕА/мг) уруғ дорилагичи вариантыда эса 1 дона ниҳоллар нобуд бўлиши кузатилди. Вегетация даври охирига келиб писта ниҳолларининг сақланиб қолиши даражаси куйидагича: назорат вариант (илиқ сувда ивитиш) 58%, Витовакс-200 ФФ уруғ дорилагич билан ишлов берилган уруғлар-85%, Топсин-М (70% н.кук) 62% ва Фитолавин (с.э.к. 120000 ЕА/мг) -69% натижа кўрсатганлиги аниқланди

Тадкикотлар натижасига кўра, уруғ дорилагичлар ичида Витовакс-200 ФФ препарати энг мақбул препарат деб топилди. Уруғ унувчанлиги 87% эканлиги аниқланди. Витовакс-200 ФФ препарати ёрдамида уруғларнинг контейнерлардан униб чиқиши ва сақланиб қолишига таъсири дала шароитида ўрганилганда ниҳолларнинг сақланиб қолиш даражаси 85% бўлганлиги кузатилди. Ўрганилган вариантлар орасида хандон писта уруғларининг юқори унувчанлигини таъминлаган Витовакс-200 ФФ уруғ дорилагичининг таъсир этувчи моддалари таркибидаги карбоксин+тирам (carboxin+thiram) моддалари уруғлардаги турли касаллик кўзгатувчи

замбуруғларга қарши комплекс таъсир этиб, уруғнинг зарарланишининг олдини олиш ва унувчанлигини ошишига хизмат қилиши аниқланди.

Ёпиқ илдиз тизимли контейнер идишларда етиштирилган хандон писта уруғкўчатларнинг кўкарувчанлиги ва ўсишига тупроқ субстратларининг таъсири. Тажриба давомида интенсив усулда писта ниҳолларини етиштириш учун 1-вариантда 100% тупроқ (назорат), 2-вариант 60% тупроқ, 30% чириган гўнг ва 10% дарё куми, 3-вариантда 80% тупроқ ва 20% кокосли торф аралашмасига эга бўлган тупроқ субстратлардан фойдаланилди.

2019-2021 йиллар давомида ўрганилган турли хил субстратларда етиштирилган писта ниҳолларининг ўртача биометрик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, назорат вариантыда (100% тупроқ) ниҳолларнинг ўртача баландлиги - 22,4 см ни, ўртача диаметри 4,4 мм бўлганлиги аниқланди. Тажрибадаги биринчи субстрат (60% тупроқ+30% чириган гўнг+10% кум) вариантыда эса писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 26,4 см ни тана диаметри эса 5,2 мм бўлганлиги, иккинчи субстрат яъни 80% тупроқ+20% кокосли торф қўлланилган вариантда ниҳолларнинг ўртача баландлиги -30,3 см ни ўртача тана диаметри 6,4 мм ни эканлиги аниқланди. Бунда назоратга нисбатан биринчи субстрат 16% га ва иккинчи субстратда эса 35% юқори натижа кўрсатканлиги аниқланди.




2-расм. Турли тупроқ субстратларда етиштирилган писта ниҳолларининг ўртача биометрик кўрсаткичлари (2019-2021 йй)

Писта ниҳолларининг ўртача диаметри таҳлил қилинганда назоратга нисбатан биринчи субстрат 18% га, иккинчи субстрат 45% га юқори натижага эришилди

Юқоридаги тажриба натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда писта уруғкўчатларини етиштириш учун энг мақбул субстрат 80% тупроқ+20% кокосли торф аралашмали варианты эканлиги аниқланди. Тупроқ субстрати таркибидаги кокосли торф тупроқнинг механик таркибини енгиллаштириш учун хизмат қилиб, писта кўчатларининг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ёпиқ илдиз тизимли контейнер идишларда етиштирилган писта ниҳоллари илдиз тизимининг ривожланишига “корневин” стимулятор меъёрларининг таъсири. Писта ниҳолларининг илдиз тизимини ривожлантириш учун Корневин ўстирувчи стимуляторининг эритмаси 0,05%, 0,1%, 0,15% меъёрида ва назорат варианты (корневинсиз) қўлланилган ҳолда тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибалар 2018-2020 йиллар давомида 4 вариантда, 3 такрорланишда олиб борилди. Корневин стимулятори 0,05%, 0,1%, 0,15% меъёрларда 1 литр сувга эритилиб, эритма шаклида ниҳолларга қўл кучи ёрдамида қўлланилди. Корневин стимулятори эритма шаклида вегетация давомида икки мартаба қўлланилиб, булар: апрел ойининг учинчи ўн кунлиги ва май ойининг учинчи ўн кунлигига қўлланилди.

2018-2020 йиллар давомида писта ниҳоллари ривожланишига Корневин стимулятори эритмасининг таъсири ўрганилганда, назорат вариантыда ниҳолларнинг ўртача баландлиги – 18,0 см ни, ўртача диаметри 4,1 мм бўлганлиги аниқланди. Корневин эритмасининг 0,05% вариантыда эса писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 19,5 см ни тана диаметри эса 4,6 мм бўлганлиги, корневин эритмасининг 0,1% вариантда ниҳолларнинг ўртача баландлиги - 23,8 см ни ўртача тана диаметри 5,1 мм ни эканлиги аниқланди. Корневин эритмасининг 0,15% вариантыда эса писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 20,6 см, ўртача тана диаметри эса 4,5 мм бўлганлиги кузатилди.



3-расм. Писта ниҳоллари ривожланишига Корневин стимуляторининг таъсири (2018-2020 йй.)


Бунда назоратга нисбатан корневин эритмасининг 0,05% вариантыда 1,0 баробарга ва корневин эритмасининг 0,1% вариантыда 1,3 баробар юқори натижа кўрсатканлиги аниқланди. Корневин эритмасининг 0,15% вариантда эса 1,1 баробарга фарқ қилиши аниқланди. Писта ниҳолларининг ўртача диаметри таҳлил қилинганда назоратга нисбатан корневин эритмасининг

0,05% варианты назорат вариантыга нисбатан 1,1 баробарга, корневин эритмасининг 0,1% варианты назорат вариантыга нисбатан 1,2 баробарга юкори натижага эришилди. Корневин эритмасининг 0,15% вариантда эса назорат вариантыга нисбатан 1,0 баробарга фарк килиши аниқланди.

Тадқиқотлар давомида корневин стимулятори эритмасининг писта ниҳолларининг илдиз тизимини ривожланиши ва илдиз массасининг ошишига таъсири ўрганилди.

Ёпиқ илдиз тизимида етиштирилган писта ниҳолларининг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсири. Хандон писта ниҳолларини жадал етиштириш учун минерал ўғитларнинг таъсири 6 та вариант ва 3 та такрорланишда қўлланилиб ўрганилди. Ҳар бир такрорланишда ўсимликлар сони 24 дондан бўлиб, ҳар бир вариантда 72 дон ўсимлик ўрганилди. Тажрибада жами ўсимликларнинг сони 432 донани ташкил қилди. Ушбу писта ниҳолларини жадал етиштириш мақсадида минерал ўғитларни соф ҳолатдаги $N_{150}P_{120}K_{90}$, $N_{120}P_{90}K_{60}$, $N_{90}P_{60}K_{30}$, $N_{60}P_{30}$, $N_{30}P_{30}$ кг меъёрлари қўлланилди. Назорат вариантда ўғит қўлланилмади.

Тажриба давомида писта ниҳолларини минерал ўғитлар билан озиклантириш мақсадида карбамид (азот улуши 46%), суперфосфат (фосфор улуши 18%) ва калий тузи (40%) ўғитларидан фойдаланилди. Бунда, минерал ўғитларнинг қўлланилиши бўйича тадқиқот дастурида келтириб ўтилганидек, азотли ўғитлар-100% вегетация даврида, фосфорли ва калийли ўғитлар-70% контейнерларга солинган тупроққа аралашма ҳолида ва қолган 30% ниҳолларнинг ўсув даврида қўлланилди.



4-расм. Писта ниҳолларининг ўсишига минерал ўғитларнинг таъсири

2019-2021 йиллар давомида писта ниҳолларини жадал ўсиши ва ривожланишига минерал ўғитларнинг таъсири оли борилган тадқиқотлар натижасига кўра ўртача биометрик кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: Назорат вариантыда (ўғитсиз) ниҳолларнинг ўртача баландлиги - 22,6 см ни, ўртача диаметри 4,2 мм бўлганлиги аниқланди. Тажрибадаги $N_{30}P_{30}$ вариантыда эса

писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 27,0 см ни тана диаметри эса 4,9 мм бўлганлиги назорат вариантыга нисбатан 1,2 баробар юқори натижа кўрсатганлиги қайд этилди. $N_{60}P_{30}$ вариантыда ниҳолларнинг ўртача баландлиги 27,9 см ни ўртача тана диаметри 5,5 мм ни, бу назорат вариантыга нисбатан 1,2-1,3 баробар юқори эканлиги аниқланди. $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантыда эса писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 32,3 мм, ўртача тана диаметри 6,1 мм бўлганлиги бу назорат вариантыга нисбатан 1,4 баробарга фарқ қилганлиги аниқланди. $N_{120}P_{90}K_{60}$ вариантыда эса писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 30,3 мм ни, ўртача тана диаметри 5,7 мм бўлганлиги назорат вариантыга нисбатан 1,3 баробар фарқ қилиши аниқланди. $N_{150}P_{120}K_{90}$ вариантыда эса писта ниҳолларнинг ўртача баландлиги 28,9 мм, ўртача тана диаметри 5,6 мм бўлганлиги бу назорат вариантыга нисбатан 1,3 баробарга юқори эканлиги аниқланди.

Писта кўчатларининг ўсиб-ривожланишига суғориш режими ва меъёрларининг таъсири. Маълумки, ўсимликни суғориш ишлари асосий ва меҳнат талаб қиладиган жараёнлар бўлиб, тупроқ намлиги билан боғлиқ тажрибалар олиб бориш учун сув ўтказмайдиган узунлиги 8,3 м, эни 1,0 м баландлиги эса 27 см бўлган учта бетон траншея тайёрланиб, унинг умумий хажми $8,3 \times 1,0 \times 0,27 = 2,24$ м³ ни ташкил этди. Тажиба иш дастурига мувофиқ суғориш ишлари бўйича тажиба вариантлари қуйидагича қўйилди: Бунда, биринчи вариантда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС (чекланган дала нам сифими)га нисбатан 35-40%; Иккинчи вариантда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС (чекланган дала нам сифими)га нисбатан 50-55%; Учунчи вариантда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС (чекланган дала нам сифими)га нисбатан 65-70%.

Ўсимликларда вегетация даври давомида тупроқнинг юза қисмидаги намликнинг буғланиши ва транспирация жараёнининг жадаллашуви натижасида писта ниҳолларининг ўсиши ва биомассанинг ортиши кузатилди. Бу жараёнлар албатта суғоришларнинг сонига таъсир кўрсатиб, ойлик суғоришлар сони ва меъерининг ортиб боришига олиб келди. Суғоришлар сони вегетация даври давомида 65-70% ЧДНСда 34 маротаба, 50-55% ЧДНСда 25 маротаба ва 35-40% ЧДНСда 19 маротабани ташкил этди. Суғоришлар сони писта ниҳолларининг ўсиб ривожланиши ва яшовчанлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатди (2 -жадвал).

Назорат варианты сифатида ишлаб чиқариш шароитида кенг қўлланилиб келинаётган суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 35-40% тартибидаги суғориш режими танланди ва бунда ўсимлик бўйинининг баландлиги $27,3 \pm 0,91$ см га тенг бўлди. Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 50-55% суғориш режимида писта ниҳолларининг баландлиги $32,0 \pm 1,40$ см ни ва назорат вариантдан 18% юқори эканлиги кузатилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС 65-70% да эса $30,2 \pm 0,84$ см бўлиб, назорат вариантыга нисбатан 10% юқори натижа кўрсатганлиги қайд этилди. Ўрганилган вариантлар орасида ЧДНСга нисбатан 35-40% тартибидаги суғориш режимида ниҳолларнинг диаметри 4,5 мм бўлганлиги аниқланди. Тупроқ

намлиги ЧДНСга нисбатан 50-55% суғориш режимида писта ниҳолларининг тана диаметри 6,1 мм эканлиги аниқланиб қолган вариантларга юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди. ралигида бўлганлиги кузатилди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС 65-70% да эса уруғкўчатларнинг диаметри 6,0 мм эканлиги қайд этилди.

2-жадвал

Писта ниҳолларининг ривожланишига суғориш режими ва меъёрларининг таъсири (2019-2021 йй)

Вариантлар	Статистик таҳлил кўрсаткичлари						
	Ўртача кўрсаткич см	Σ	v	p	n	назоратга нисбатан %	t
Баландлиги, см							
ЧДНС 35-40%	27,3±0,91	4,7	17,4	3,3	69	100	$t_{2-1} \leq 2,8$
ЧДНС 50-55%	32,0±1,40	7,7	24,0	4,4	45	118	-
ЧДНС 65-70%	30,2±0,84	4,8	15,8	2,8	48	110	$t_{2-3} \leq 1,1$
Диаметри, мм							
ЧДНС 35-40%	4,5±0,11	0,9	20,9	2,5	69	100	$t_{2-1} \leq 9,4$
ЧДНС 50-55%	6,1±0,13	0,9	14,5	2,2	45	135	-
ЧДНС 65-70%	6,0±0,11	0,8	13,1	1,9	48	133	$t_{2-3} \leq 0,6$

Диссертация ишининг «Ёпиқ илдиз тизимида етиштирилган хандон писта кўчатларини пайвандлаш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида оналик плантацияда пайванд учун куртак етиштириш ва писта кўчатларини пайвандлашга тайёрлаш, ёпиқ илдиз тизимида етиштирилган писта кўчатларини пайвандлаш усуллари ва муддатлари, ёпиқ илдиз тизимида пайвандланган писта кўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ва ушбу боб бўйича хулосалар келитилган.

Оналик плантацияда пайванд учун куртак етиштириш ва писта кўчатларини пайвандлашга тайёрлаш. Хандон писта кўчатларида пайвандлашни амалга ошириш учун оналик плантациядаги дарахтларни кесиш ишларини амалга ошириш лозим. Чунки пайванд учун бир йиллик яхши пишиб етилган куртаклар керак бўлади. Дарахтлардан куртак олиш учун кесиш ишлари эрта баҳорда амалга оширилади.

Пайвандлаш учун керакли новдалар (диаметри 5-7 мм) навли она дарахтлардан олинади. Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Пистачилик илмий тажриба станцияси худудидаги 30-35 ёш атрофидаги оналик плантациядан куртаклар олинади. Пайвандга ишлатиладиган новдаларнинг узунлиги 20-25 см бўлиши ва барглардан тозаланиши, барглардан тозалаш жараёнида 1-1,5 см узунликда барг банди қолдириб кесилади. Тайёрланган новдалар 25 донадан қилиб боғ шаклида тахланади.

Пайванд қилиш учун куртаклар навли она дарахтлардан тайёрланади. Пайвандга куртаклар 10-12 мм узунликда пўстлоғининг бир қисми кесиб

олинади. Бу ҳолатда пайванд учун фойдаланилаётган қалқонча пайванд қилинадиган ниҳолларнинг тана диаметри қалинлигига мос келиши ва куртаклар яхши етилганлигига эътибор берилиши керак.

Тадқиқот натижаларига кўра, июн ойининг биринчи ўн кунлигида пайвандлангандан сўнг тутиб қолган куртаклар сони тана диаметри 5,0-5,4 мм бўлган ниҳолларда 23 донани, 5,5-6,5 ммга эга бўлган ниҳолларда 39 донани ташкил этди. Июл ойининг биринчи ўн кунлигида пайвандлангандан сўнг тутиб қолган куртаклар сони тана диаметри 5,0-5,4 мм бўлган ниҳолларда 29 донани, 5,5-6,5 ммга эга бўлган ниҳолларда 44 донани, июл ойининг иккинчи ўн кунлиги тутиб қолган куртаклар сони тана диаметри 5,0-5,4 мм бўлган ниҳолларда 13 донани, 5,5-6,5 ммга эга бўлган ниҳолларда 26 донани ташкил қилди. Хандон писта ниҳолларининг пайвандлаш ишларини амалга ошириш жараёнида 4,0-4,9 мм бўлган ниҳолларида пайванд қилишнинг имкони бўлмади сабаби тана диаметри кичик бўлган ниҳолларнинг пўстлоқ қисми пайвандлаш вагида ёрилиб кетиши аниқланди (тана диаметри кичик бўлганлиги ҳисобига куртак диаметри билан тўғри келмаганлиги учун). Тадқиқотлар давомида аниқландики, хандон писта ниҳолни пайванд қилишда тана диаметри 5,5-6,5 мм эга бўлган ниҳолларидан фойдаланиш кераклиги аниқланди. Мазкур 5,5-6,5 мм диаметрига эга бўлган писта ниҳолларида пайванд куртаклари тутиб қолиши ва пайвандўст ўсиши бошқа вариантларга солиштирилганда юқори бўлиши қайд этилди.

3-жадвал

Турли диаметрли писта ниҳолларини пайванд қилиш
кўрсаткичлари (2019-2021 йй.)

Пайванд қилинган муддат	Пайванд қилинган ниҳоллар диаметри, мм	Пайванд қилинган кўчатлар сони, (дона)	Тутиб қолган куртак сони, (дона)	Тутмаган куртаклар сони, (дона)	Кўқарувчанлик, % да
Июн ойининг III-ўн кунлиги	4,0-4,9	-	-	-	-
	5,0-5,4	50	23	27	46%
	5,5-6,5	50	39	11	78%
Июл ойининг I-ўн кунлиги	4,0-4,9	-	-	-	-
	5,0-5,4	50	29	21	58%
	5,5-6,5	50	44	6	88%
Июл ойининг II-ўн кунлиги	4,0-4,9	-	-	-	-
	5,0-5,4	50	13	36	28%
	5,5-6,5	50	26	24	52%

Ёпиқ илдиз тизимида етиштирилган писта ниҳолларини пайванд қилиш усуллари ва муддатларининг таъсири. Бугунги кунда ниҳолларни

пайванд қилишнинг 150 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, ушбу пайвандлаш усулларининг республикамиз иклимига мос ва ўсимликнинг яхши тутиб кетишини таъминлайдиган турлари жуда кам. Тадқиқотлар давомида искана пайвандлашнинг айрим камчиликлари юзага келиб, бунда тутиб турган новдалар маълум вақтдан кейин нобуд бўлиши кузатилди. Ёз ойларида хандон писта ниҳолларини Т-шаклли куртак пайвандлаш ишлари олиб борилди.

Олиб борилган тадқиқотлар давомида 300-400 дона писта ниҳолларини куртак пайванд усулида турли муддатларда пайванд қилиш ишлари амалга оширилди. Пайвандлаш ишлари Т-шаклда ёз ойларида июн ойининг иккинчи ўн кунлигидан июл ойининг иккинчи ўн кунлигигача бажарилди.

Тажриба учун контейнерларда етиштирилган ниҳолларнинг диаметри 5,0-6,0 мм бўлганда пайвандлаш ишлари олиб борилди. Бунда, пайвандланадиган ниҳоллар илдиз бўғзидан 2-3 см баланд қисмидан Т-шаклда пўстлок қисми кесилди.

4-жадвал

Писта ниҳолларини пайванд қилиш муддатлари ва пайванд тутиб қолиш кўрсаткичлари (2019-2021 йй)

Пайвандлаш вақти	Пайванд қилинган писта қўчатлари сони, (дона)	Кўкариб чиққан куртаклар сони (дона)	Кейинги йили кўкарган куртаклар сони, (дона)	Тутмаган куртаклар сони, дона	Кўкарувчанлик, % да
Июн ойининг III-ўн кунлиги	100	43	19	38	62%
Июл ойининг I-ўн кунлиги	100	59	14	27	73%
Июл ойининг II-ўн кунлиги	100	18	21	61	39%

Куртаклар оналик плантациясидан (Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Пистачилик илмий-тажриба станцияси) кесиб олиб келинди. Куртак новдалар да 8-10 та куртаклар мавжуд. Контейнерлардаги писта ниҳолларига 1 донадан куртак уланди. Ишлатилган пайванд ленталарининг узунлиги 10-15 см, эни 1 см ни ташкил этади. Пайванд боғичлар 20-25 кун давомида ниҳолларнинг танасида сақланди ва куртак пўстлокқа яхши ёпишгач ечиб олинди.

Жами бўлиб 300 дона контейнерларда етиштирилган писта ниҳолларида пайвандлаш ишлари олиб борилди. Пайванд қилинган ниҳоллар пайвандлангандан сўнг кўкариб чиққан куртаклар сони 120 донани ташкил этди. Улардан 54 донаси келаси йили кўкариб чиққанлиги кузатилди. Пайвандлаш ишларини июл ойининг биринчи ўн кунлигида олиб борилганда писта ниҳолларига пайвандланган куртакларнинг кўкарувчанлиги 73% бўлганлиги кузатилди. Пайванд қилиш жараёнида куртакларнинг пўстлок қисмидан ажралиши ва куртакларнинг кўкарувчанлиги бўйича июл ойининг биринчи ўн кунлиги энг мақбул муддат эканлиги аниқланди.

Ёпиқ илдиз тизимида пайвандланган писта қўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги. Ёпиқ илдиз тизимида

пайвандланган писта кўчатларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун куйида амалга оширилган иш турлари бўйича ҳисоб-китоб қилинди.

Иқтисодий самарадорликни ҳисоб-китоб қилиш ишлари 1000 дона пайвандланган хандон писта кўчатлари ҳисобида олиб борилди. Полиэтилен ҳалтачалар 20x40 см ҳажмда бўлиб, тарншеядаги 1м² майдонга 50 дона кўчат жойлаштрилди. 1000 дона кўчат етиштириш учун 200 м² бетон траншеядан фойдаланилди.

Оддий усулда хандон пистанинг пайвандланган кўчатлари 3 йилда тайёр бўлади. Умумий сарф харажатлар 10030954 сўмни ташкил қилади. Бунда 1 дона кўчатнинг таннархи 10030 сўм 954 тийин бўлади. Сотувда бир дона писта кўчатининг таннархи 50 минг сўм бўлса, умумий даромад 50 млн сўмга тенг бўлади. Бундан умумий сарф-харажатлар чиқариб ташланганда соф фойда 39969046 сўмни ташкил қилади.

4-жадвал

Ёпиқ илдиз тизимида пайвандланган хандон писта кўчатини етиштириш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Оддий технология	Таклиф этилаётган технология	Натижа
1	Ниҳоллар сони	Дона	1000	1000	-
2	Парвариш ишлари	Кун	1095	365	+730
3	Саф-харажатларнинг хаммаси	минг сўм	10030954	23049954	+13019000
4	1 дона ниҳолнинг таннархи	минг сўм	10030,954	23049,954	+13019
5	1 дона ниҳолнинг келишилган нархи	минг сўм	50.000	120.000	+70.000
6	1000 дона кўчатнинг нархи	минг сўм	50000000	120000000	+70.000000
7	Соф фойда	минг сўм	39969046	96950046	+56981000
	Рентабеллик	%		150	

Тавсия этилаётган технология асосида 1 йилда пайвандланган хандон писта кўчатларини етиштириш мумкин. Умумий сарф харажатлар миқдори 23049954 минг сўмни ташкил этади. Бу технология асосида етиштирилган кўчатнинг таннархи 23049 минг 954 тийин сўм бўлади. 1 дона кўчат 120.000 минг сўмдан сотилса, умумий даромад 120000000 минг сўмга тенг бўлади. Умумий даромаддан сарф-харажатлар айрилса, соф даромад 96950046 минг сўмни ташкил қилади. Бу технологияни қўллаш орқали кўчат етиштириш муддатини 2 йил (730 кун)га қисқартириш ва соф фойдани 3 бароварга ошириш мумкин.

Пайвандланган хандон писта кўчатларининг ҳисоб технологик картаси диссертациянинг иловасида кўрсатиб ўтилган.

Ёпиқ илдиз тизимида пайвандланган хандон писта кўчатини етиштириш технологиясининг иқтисодий самарадорлиги 4-жадвалда келтирилган.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Ёпиқ илдиз тизимида сифатли кўчат етиштириш учун контейнер идишлар ёки полиэтилен ҳалтачаларнинг ҳажми, субстрат таркиби, суғориш режими ва меъёри, минерал ўғитларнинг сарф меъёрларини ишлаб чиқиш самарали ҳисобланади.

2. Ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда хандон писта кўчатларини Тошкент вилояти табиий иқлим шароитида етиштириш тавсия этилади.

3. Хандон писта уруғларини турли замбуруғ ва касалликлардан ҳимоя қилиш ва унувчанлигини ошириш мақсадида 12 соат давомида Витовакс-200 ФФ уруғ дорилагич эритмасида ивитиш ва йирик ҳажмдаги уруғлардан фойдаланиш тавсия этилади.

4. Хандон писта ниҳолларини ёпиқ илдиз тизимида жадал етиштириш ва парваришlash учун 80% тупроқ ва 20% кокосли торф аралашмали тупроқ субстратида ўстириш тавсия этилади.

5. Полиэтилен ҳалтачаларда писта ниҳолларини етиштиришда корневин стимуляторининг 0,1% бир контейнерга меъёри ер остки ва ер устки қисмининг кучли ривожлантириш учун мақсадга мувофиқдир.

6. Писта ниҳолларига минерал ўғитларнинг $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг меъёрлари қўллаш баландлиги назорат вариантга нисбатан 39% га, диаметри 35% га юқори бўлганлиги кузатилади. Шунингдек, писта ниҳолларининг биомассаси 74% га юқори бўлиб, 14,1 грамм ни ташкил этди.

7. Ёпиқ илдиз тизимли писта кўчатларини етиштириш учун суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 50-55% да сақланганда вегетация давомида 25 маротаба суғориш тавсия этилади.

8. Хандон писта уруғкўчатларини пайванд қилишда тана диаметри 5,5-6,5 мм эга бўлган ниҳолларидан фойдаланиш тавсия этилади.

9. Навли писта кўчатларини етиштириш учун Т-шаклда куртак пайванд қилиш ва пайвандлаш ишларини июл ойининг биринчи ўн кунлигида амалга ошириш тавсия этилади.

10. Хандон пистанинг пайвандланган кўчатларини етиштиришда таклиф этилаётган технология орқали етиштириш хар бир пайвандланган кўчатлардан 96950046 минг сўм соф даромад олиш тавсия этилади.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига асосан қуйидагилар:

1. Хандон писта ниҳолларини етиштириш учун йирик ҳажмдаги уруғларни Витовакс-200 уруғ дорилагичда 12 соат давомида ивитиб экиш;

2. Хандон писта ниҳолларини ёпиқ илдиз тизимли контейнерларда етиштириш учун тупроқ ва кокосли торф аралашмасини 8:2 нисбатда фойдаланиш;

3. Ёпиқ илдиз тизимли писта кўчатларини етиштириш учун томчилатиб суғориш технологияси ёрдамид вегетация даври давомида май ойида -4 марта, июн ойида-6 марта, июл ойида-6 марта, август ойида-5 марта, сентябр ойида -4 марта суғориш тавсия этилади;

4. Пайвандлаш ишларини июл ойининг биринчи ўн кунлигида амалга ошириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО
ХОЗЯЙСТВА**

ИНОМОВА МУНИРА МУРОТЖОН ҚИЗИ

**ТЕХНОЛОГИЯ ИНТЕНСИВНОГО ВЫРАЩИВАНИЯ ПРИВИТЫХ
САЖЕНЦЕВ ФИСТАШКИ (*PISTACIA VERA L.*) С ЗАКРЫТОЙ
КОРНЕВОЙ СИСТЕМОЙ**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Qx596

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на сайте Ученого совета (www.tdau.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).


Научный руководитель:	Хамзаев Абдушукур Худойкулович, доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тухтаев Бобокул Ёркулович, доктор биологических наук, профессор Тулаев Дониёр Бахтиёрвич, доктор философии по сельскохозяйственным наукам
Етакчи ташкилот:	Лесное агентство

Защита диссертации состоится 30 октября 2024 года в 10:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете. (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номерам № 551889). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+998971)260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 18 октября 2024 года.
(реестр протокола рассылки № 32 от 25 сентября 2024 года).




Ш.И. Асатов
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор


М.З. Холмуротов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент


С.А. Юнусов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Фисташковые орехи являются ценным и экономически выгодным продуктом во многих странах мира. За последние 50 лет выращивание фисташек во всем мире резко возросло. По статистике, в 1970 году было выращено 50 000 тонн, в 2000 году 500 000 тонн, в 2020 году 1 миллион тонн, в 2022 году тонн и 1 миллион 27 тысяч тонн фисташки⁴. Фисташка – очень ценный вид ореха в мировой пищевой промышленности. Богатство белков, углеводов и жиров делает его пригодным для здорового питания. Мировой спрос на продукты из фисташек также растет, поскольку во многих странах растет спрос на здоровую пищу. Фисташки широко используются в различных продуктах питания, десертах, напитках и других пищевых продуктах, что делает их важными в решении растущей проблемы продовольственной безопасности.

Во многих странах мира, в том числе в США, Италии, Иране, Испании, Турции, Сирии, странах Средиземноморья и Северной Африки, закладывается множество плантаций фисташек. На сегодняшний день в Иране имеется 498 тыс. га плантаций фисташки, в Турции - 409 тыс. га, в США - 173 тыс. га, в Сирии - 61 тыс. га, в Тунисе - 27 тыс. га, в Китае - 26 тыс. га, на Мадагаскаре - 17 тыс. га⁵. Ведется масштабная работа по упрощению технологии выращивания саженцев фисташки.

Сегодня в нашей республике осуществлены масштабные реформы в сфере лесного хозяйства, особенно в области селекции, повышения продуктивности орехоплодных древесно-кустарниковых пород, создания новых сортов, организации их культурных насаждений, были достигнуты определенные результаты. Также недостаточно исследований по использованию готовых привитых саженцев при создании плантаций фисташки в богарных горных и предгорных районах. В стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы Республики Узбекистан определены важные задачи «расширения лесных площадей на территории республики и эффективного использования земель лесного фонда»⁶. На данный момент актуальной является разработка технологии выращивания привитых саженцев фисташек в контейнерах для создания высокоурожайных промышленных плантаций фисташек и дальнейшего повышения экспортного потенциала.

Данное диссертационное исследование служит в определенной степени реализации задач, обозначенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПК-4850 от 6 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития лесного хозяйства Республики Узбекистан до 2030 года», Постановлении от 6 июля 2022 года № ПК-307 «О структурных мерах по

⁴ <https://www.fao.org/faostat/ru/#faq>

⁵ <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/QCL>

⁶ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № ПФ-60 «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы»

